

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ–4273-сон қарори ижросини АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ

(2024 йил 15 январь ҳолатига)

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
1.	<p>Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп карра, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали (кейинги ўринларда–Портал) фаолият юритмоқда.</p>	<p>Маълумот ва раҳбарлик учун қабул қилиш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>А.Султанов, Ш.Одилов, Ш.Джанадилов</p>	<p>Бажарилмоқда. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, уларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2015 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикасининг қуйида келтирилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритадиган “Очик маълумотлар” портали ишга туширилган, булар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 2014 йил 4 майда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирган. 2015 йил 7 августда Очик маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат Порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали ишини ташкил этиш схемаси тақдим қилинган. Ушбу схемага асосан Очик маълумотларни қайта ишлаш регламентини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва давлат органларига юбориш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклатилган. 2015 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг “Очик маълумотларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>қайта ишлаш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 141-мх-сон буйруғи тасдиқланди. Ушбу буйруққа асосан Очик маълумотларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва қайта ишлаш Регламенти илова тарзида киритилди.</p> <p>4. 2019 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сонли Қарори кучга кирди. Ушбу Қарорнинг мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибдорлигини мустаҳкамлашга қаратилган, давлат бошқарувининг очиклиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп қарра, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи 2015 йилдан буён фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда ўз</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>вақтида ақс этирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 15 апрелдаги 105-к-сонли буйруғи асосида “Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинди.</p> <p>6. Бошқарма таркибида 2 та бўлим “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш бўлими ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар порталида ахборот ресурсларини шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш” бўлимлари ташкил этилди.</p>
2.	<p>б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Портални техник қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш ҳамда узлуксиз ишлаб туриши учун жавобгар ҳисобланади.</p>	Раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиш.	Доимий	А.Султанов	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>1. Портални техник қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш ҳамда узлуксиз ишлаб туриши учун Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. 2019 йил 30 апрелда Давлат статистика қўмитаси томонидан ЛБМИга кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хат юборилди. 2019 йил 1 майда ЛБМИда йиғилиш бўлиб ўтди, ушбу йиғилишда 2019 йил 2 майда Ишчи гуруҳ билан бўлиб ўтадиган йиғилишда бўлиб ўтадиган масалалар муҳокама қилинди. 2019 йил 2 майдаги Идоралараро ишчи гуруҳнинг йиғилишида ЛБМИ ўз таклиф ва режалари ҳақида тақдимот қилинишига келишилиб олинди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>“Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сонли қарорида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига бириктирилган топшириқ ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклатилганлиги инobatга олиб, Портал фаолиятини такомиллаштириш бўйича мазкур вазирлик билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармониға мувофиқ, Очик маълумотлар порталининг янги талқинини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни экспертизадан ўтказиш, Очик маълумотлар порталининг янги талқинини ишлаб чиқиш бўйича ижрочини аниқлаш, Порталнинг янги талқинини ишга тушириш, давлат органлари расмий веб-сайтини Портал билан интеграциясини амалга ошириш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига бириктирилган.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>тўғрисида”ги 808-сон қарори 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталининг янги талқинини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4996-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастурчилар ва ташкилотларга сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформаси яратилиб, мазкур платформа орқали веб-сервисдан фойдаланган ҳолда маълумотларни интеграциялаш имконияти яратилди.</p> <p>Ҳозирги кунда очiq маълумотлар порталининг янги талқини синов тариқасида ишга туширилиб, такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.</p> <p>6. 2021 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталини янги, такомиллаштирилган версияси ишга туширилган бўлиб, ҳозирги кунда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очiq маълумотларнинг даврийлиги бўйича жойлаштирилиши амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, Порталга тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларининг интеграцияси амалга оширилмоқда.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	<p>в) Порталдаги ахборот: фақат давлат органлари ва ташкилотларининг республика даражасидаги юқори турувчи тузилмалари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан эълон қилинади; ўзбек, рус ва инглиз тилларида, шу жумладан машинада ўқиладиган ва бошқа форматларда эълон қилинади; давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида эълон қилинадиган ахборот билан айнан бир хил ва ўзаро боғланган бўлиши лозим.</p>	<p>Порталда ахборотларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида эълон қилиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида эълон қилинадиган ахборот билан айнан бир хил ва ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.</p>	<p>Доимий</p>		<p>Бажарилмоқда.</p> <p>1. Портал билан келгусида ишлаш, ахборот ресурслари рўйхатини (ресурсларини) шакллантириш ва уларни доимий равишда белгиланган тартибда киритиб бориш бўйича масъул ходимлардан иборат Идоралараро ишчи гуруҳ тузилиши тўғрисида 67 та вазирлик ва идораларга хатлар чиқарилди. Шу билан бир қаторда, очиқ маълумотлар тўпламларини кенгайтириш мақсадида, янги ташкил этилган ҳамда илгари мониторинги юритилмаган қўшимча вазирлик ва идоралардан ишчи гуруҳ аъзолари рўйхати шакллантирилди, порталга маълумотларни жойлаштиришга масъул ходимларга шахсий кабинет очилиб, логин ва пароль бериш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.</p> <p>2. 2019-2020 йиллар давомида Давлат статистика қўмитасининг йиғилишлар залида Идоралараро ишчи гуруҳ билан бир қатор йиғилишлар ўтказилди ва ушбу йиғилишда келгусида қилинадиган ишлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар тақсимланиб олинди.</p> <p>Йиғилиш баённомалари тузилиб келинмоқда.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарори асосида давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар порталида жойлаштириш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ рўйхати шакллантирилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Раиси томонидан тасдиқланди.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарори ижросини таъминлаш</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор “UZINFOCOM” билан биргаликда БМТТД кўмагида 2019 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталининг инглиз тилидаги версияси ишга туширди.</p> <p>5. 2020 йил апрель ойи ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида мавжуд очiq маълумотлар тўплamlари сони 8 мингдан ошди, шундан юқлаб олинган маълумотлар сони эса 6,8 млн.дан ошди.</p> <p>6. Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталидаги очiq маълумотлар тўплamlарининг Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида “Очiq маълумотлар” бўлимидаги маълумотлар билан айнан бир хил келиши устидан мониторинг олиб борилмоқда.</p> <p>7. 2020 йил 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталида эълон қилиниши лозим бўлган давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очiq маълумотлар тўплamlарини шакллантириш, уларни ўз вақтида</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>жойлаштириш ва янгилашга масъул бўлган Идоралараро ишчи гуруҳ таркиби рўйхати тасдиқланди.</p> <p>8. 2020 йилнинг 23 декабрь куни “Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан бирга Порталда ахборотларни шакллантириш ва жойлаштиришни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали тўғрисидаги низом тасдиқланди.</p>
	<p>г) давлат органлари ва ташкилотларида ахборотни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон Фармонига мувофиқ ташкил қилинган, халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар зиммасига юкланади.</p>	<p>Раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиш.</p>	<p>Доимий</p>		<p>Бажарилмоқда.</p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 15 апрелдаги 105-к-сонли буйруғи асосида “Очик маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинди.</p> <p>2. Бошқарма таркибида 2 та бўлим: “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш бўлими ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар порталида ахборот ресурсларини шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш” бўлимлари ташкил этилди.</p> <p>3. Президент қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Бошқарма Низоми ишлаб чиқилди ҳамда 2019 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Раиси Б. Бегалов томонидан тасдиқланди.</p> <p>4. Бошқарма фаолиятига доир бўлган тасдиқланган Номенклатура асосида ҳужжатлар юритилишига доир папка ва</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					регистрлар шакллантирилди. 5. Бошқарманинг йиллик иш режаси ишлаб чиқилди.
3.	<p>Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг Порталда Рўйхатни шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишлар учун масъул бўлинма ташкил этилсин.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда бўлинманинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.</p>	<p>Давлат статистика қўмитасининг тегишли ички-меъёрий ҳужжатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2019 йил 9 майга қадар	З.Талипова	<p>Бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ–4273-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилнинг 15 апрель ойида қўмитанинг 105-сонли буйруғи билан Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур бошқарма “Электрон ҳуқумат” тизимини жорий қилиш бўлими ва Давлат органлари ва ташкилотларнинг очиқ маълумотлар порталида ахборот ресурсларини шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимларини ўз ичига олади. Бошқарманинг штат бирликлари малакали, етук мутахассислар билан тўлдирилди.</p>
4.	<p>Давлат статистика қўмитасига Портални ривожлантириш фаолиятини амалга ошириш доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:</p> <p>маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, шу жумладан маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ички ва бошқа ҳужжатлар ҳамда улардан фойдаланиш;</p>	<p>Берилган ҳуқуқларга асосан маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, шу жумладан маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ички ва бошқа ҳужжатлар ҳамда улардан фойдаланиш;</p> <p>Портални ривожлантириш,</p>	Доимий	А.Султанов, В.Тухтаев, Ш.Одилов, Ш.Джанадилов, О.Мамадалиев	<p>Бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталини ривожлантириш, такомиллаштириш мақсадида экспертлар, консультатив, техник, моддий, шунингдек, давлат органларива ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник кўмагини)ни жалб этиш кўринишидаги кўмак бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	<p>Портални ривожлантириш, шунингдек, эълон қилинадиган маълумотларга тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларидан беғараз асосда маслаҳат ёрдами олиш;</p> <p>ушбу қарорни бажариш доирасида экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан, хорижий) шартнома асосида жалб этиш;</p> <p>Портални такомиллаштиришга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник кўмагини)ни жалб этиш.</p>	<p>шунингдек, эълон қилинадиган маълумотларга тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларидан беғараз асосда маслаҳат ёрдами олиш;</p> <p>ушбу қарорни бажариш доирасида экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан, хорижий) шартнома асосида жалб этиш;</p> <p>Портални такомиллаштиришга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник кўмагини)ни жалб этиш.</p>			<p>Халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарига, ташкилот вакилларига 2019 йилнинг 10 майида 9 та хат чиқарилди.</p> <p>Шунингдек, Давлат статистика кўмитаси томонидан 2019 йил 13 апрелда № 01/1-17-127-сон ва 2019 йил 22 апрелда № 01/1-01-17-135-сон билан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Портални такомиллаштиришга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник кўмагини)ни жалб этишда амалий ёрдам бериш мазмунида хат чиқарилди.</p> <p>Жорий йилнинг 24-26 сентябрь кунлари Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда IT-park томонидан “TRAINING OF TRAINERS IN OPEN DATA” ўқув семинари ташкил этилди. Унда Давлат статистика кўмитаси ходимларидан 4 нафари иштирок этиб, семинарни мувофақиятли якунлади ва тегишли сертификатга эга бўлди.</p> <p>2019 йилнинг 29 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳридаги ИНХА университетида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмагида вазирлик ва идораларнинг ходимлари учун “Очик маълумотларга кириш” мавзусида бепул ўқув семинарлари ташкил этилиб, ҳозирги кунга қадар давом этиб келинмоқда.</p> <p>2019 йил 4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасида Буюк Британия Бирлашган Қироллиги Давлат алоқа хизмати делегацияси вакиллари билан семинар ташкил этилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали (data.gov.uz) ва Давлат</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>статистика қўмитасининг расмий сайти (stat.uz) очик маълумотлар Инститuti (Open Data Institute, ODI) баҳолаши бўйича КУМУШ даражага етди – бу ушбу ахборот ресурсларида очик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган қўшимча ҳаракатлар деган маънони англатади.</p> <p>2019 йил 13-15 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети биносида “Open Data Day 2019” очик маълумотлар конференцияси ва очик маълумотлар концепциясини илгари сурган, IT-тадбиркорликни ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган, очик маълумотлар асосида иловаларни ишлаб чиқиш бўйича “Open Data Challenge 2019” танлови (хакатон) бўлиб ўтди.</p> <p>“Open data Interception” маълумотида кўра, 100 та мамлакат орасида Ўзбекистон 52 та очик маълумотлар манбалари билан очик маълумотлар манбалари сони мавжудлиги рейтингининг биринчи ўнталигидан ўрин олди.</p> <p>(https://data.opendatasoft.com/explore/dataset/open-data-sources%40public/table/?sort=code_en).</p> <p>2019 йил 17-18 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Тошкент шаҳридаги АМИТИ университети ва Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Бизнес, тадқиқот ва ижтимоий инновациялар учун очик маълумотлар” ҳамда “Давлат секторида маълумотларни бошқариш” мавзуларида семинар-тренинг ўтказилди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>2019 йил 20 декабрь куни Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида давлат органлари ва Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги вакиллари учун “Маълумотлар бошқарувини ривожлантириш” мавзусида семинар бўлиб ўтди.</p> <p>2019 йилнинг 13-20 декабрь кунлари юртимизда биринчи марта очик маълумотлар ҳафталиги “Open Data Week - 2019” бўлиб ўтди.</p> <p>2020 йил 7 март куни “Халқаро очик маълумотлар куни” глобал тадбирининг 10 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланиши режалаштирилган. Ўзбекистонда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ташкиллаштирилаётган тадбирлар “Open Data Uzbekistan” ва “Open Data Tashkent” “Халқаро Очик маълумотлар куни 2020” глобал тадбирлари рўйхатига киритилди. (https://opendataday.org)</p> <p>“Open Data Foundation”нинг мунозара гуруҳи таркибида мамлакат очик маълумотларидаги муаммолар, воқеа-ҳодисалар, ғоялар ва лойиҳаларни муҳокама қилиш имконини яратувчи “Open Knowledge Uzbekistan” мунозара гуруҳи ташкил этилди.</p> <p>2020 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (stat.uz) Очик маълумотлар институтидан (Open Data Institute, ODI) очик маълумотлар сертификатининг жамоа гувоҳномасини олиш орқали юқори “PLATINUM” даражасига эришди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>парки (IT-park), шунингдек, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Очиқ маълумотлар” бўйича қўлланма чоп этилди.</p> <p>“Open Knowledge Foundation”нинг мунозара гуруҳи таркибида Open Knowledge Uzbekistan мунозара гуруҳи яратилди. Бу мамлакат очик маълумотларидаги муаммолар, воқеа-ҳодисалар, ғоялар ва лойиҳаларни муҳокама қилиш учун катта имконият яратади.</p> <p>2020 йилнинг 21 май куни Open Data Watch экспертлари томонидан Давлат статистика қўмитаси ходимлари учун “Open Data Uzbekistan workshop agenda” деб номланган онлайн тадбир ўтказилди.</p> <p>Ўзбекистон катта маълумотларга ишлов бериш технологиялари ва сунъий интеллект ёрдамида глобал ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган World AI & Data Challenge халқаро танловида биринчи марта иштирок этмоқда.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси, Тошкент шаҳридаги АМИТИ университети ва Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Дунё ва Ўзбекистонда Covid-19 пандемияси таъсири бўйича очик маълумотларга асосланган ечимлар” мавзусида вебинар ташкил этилди.</p> <p>2020 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан Жаҳон банки кўмагида “Очиқ маълумотлар бўйича ишчи гуруҳининг салоҳиятини ошириш” мавзусида вебинар бўлиб ўтди. Вебинар давомида дунёда пандемияга қарши кураш бўйича очик маълумотларга асосланган ечимлар ва Ўзбекистонда амалга оширилган ҳаракатлар,</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>шунингдек, деперсонализициялаш ва анонимлаштириш бўйича маҳорат дарслари бўйича тақдимотлар тақдим этилди.</p> <p>2020 йил 24 июнь куни БМТ тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги ҳамкорлигида “Давлат бошқаруви ва рақамли трансформацияни самарали ривожлантиришга кўмаклашиш” номли кўшма лойиҳаси якунларига бағишланган онлайн видеоконференция бўлиб ўтди.</p> <p>“Open data Interception” маълумотида кўра, жаҳон мамлакатлари орасида Ўзбекистон 70 та очиқ маълумотлар манбалари билан очиқ маълумотлар манбалари сони мавжудлиги бўйича жаҳонда 6-ўринни эгаллади.</p> <p>БМТнинг “Электрон ҳукумат кузатуви 2020”да “Очиқ давлат маълумотлари индекси” бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGD) кўрсаткичига эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлакатидан орасидан жой олди. Жами ушбу индексда 193 та мамлакат баҳоланган ҳамда Ўзбекистон энг юқори балл тўплай олган.</p> <p>БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан Ўзбекистонда “Тўйиб овқатланмайдиганлар улуши” қайта кўриб чиқилди.</p> <p>2020 йилнинг 22 июль куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЙХХТ)нинг иқтисодиёт ва экологик фаолият бўйича координатори офиси томонидан “Пандемия даврида очиқлик ва шаффофликни оширишда очиқ маълумотларнинг аҳамияти” мавзусида онлайн вебинар ташкил этилди.</p> <p>2020 йилнинг 4 сентябрь куни Давлат статистика қўмитаси Очиқ маълумотлар</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки - IT парк билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори мазмун моҳияти ҳамда ижроси юзасидан ҳудудий статистика бошқармалари ходимларига вебинар ташкил этилди. Мазкур вебинар давомида тадбир иштирокчиларига очик маълумотлар, унинг таркибий тузилиши, Бутунжаҳон бўйича очик маълумотларни ривожлантирувчи ташкилотлар, соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда метамаялумотлар бўйича батафсил маълумот бериб ўтилди.</p> <p>2020 йилнинг 13-21 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарори, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 19 июндаги 08/1-1394-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки IT-Park томонидан юртимиздаги вазирлик ва идоралар ходимлари учун “Очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш” мавзусида онлайн ўқув вебинари ҳафталиги ташкил этилди. Унда 83 та вазирлик ва идоралардан 200 нафар ходим ўз малакасини оширди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>2020 йилнинг 13 ноябрь куни Давлат статистика қўмитаси ҳамда Жаҳон банки экспертлари иштирокида вебинар ташкил этилди.</p> <p>2020 йилнинг 18 декабрь куни Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Халқаро очик маълумотлар хартияси экспертлари томонидан видеоконференция форматида “Коорупцияни олдини олишда очик маълумотларнинг аҳамияти” мавзусида онлайн-семинар ташкил этилди.</p> <p>2020 йилнинг 30 декабрь куни Давлат статистика қўмитаси томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмагида Open Data Inventory (ODIN) халқаро очик маълумотлар рейтинги учун жавобгар Open Data Watch ташкилоти вакиллари Jamison Crowell ва Caleb Rudow билан онлайн-мулоқот ташкил этилди.</p> <p>2021 йилнинг 26 январь куни Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги мутахассислари ҳамда Жаҳон банки эксперти иштирокида Жаҳон ривожланиш индикаторлари базасида Ўзбекистон Республикасининг мавжуд бўлмаган индикаторларини шакллантириш масалалари бўйича видеоконференция режимида мулоқот ташкил этилди.</p> <p>Шу билан бирга, шу куни Давлат статистика қўмитаси вакиллари БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Халқаро транспорт форуми ҳамкорлигида ташкил этилган видеоконференцалоқа режимидаги учрашувда иштирок этди.</p> <p>2021 йилнинг 18 февраль куни Давлат</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>статистика қўмитасида кадрлар малакасини ошириш бўйича навбатдаги онлайн ўқув-семинари ўтказилди. Вебинарда мамлакатимизда очик маълумотлар соҳасини ривожлантиришнинг аҳамияти ва истикболлари ҳақида маълумот берилди.</p> <p>2021 йилнинг 18 февраль куни Ўзбекистон Халқаро очик маълумотлар Хартиясига 23-мамлакат сифатида аъзо бўлди.</p> <p>2021 йилнинг 24 февраль куни очик маълумотлар соҳасида халқаро онлайн конференция ташкил этилган бўлиб, унда Open Data Inventory (ODIN)нинг 5 йиллик ҳисоботи эълон қилинди. Мазкур тадбирда Давлат статистика қўмитасидан Очик маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи А. Султанов Ўзбекистоннинг очик маълумотлар соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида маъруза билан катнашди.</p> <p>2021 йилнинг 5 март куни “International Open Data Day” доирасида Давлат статистика қўмитаси ходимлари, вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари ва экспертлари иштирокида аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шунингдек мамлакатимизда очик маълумотларни оммалаштиришга бағишланган “Open Data Day Tashkent 2021” мавзусида тадбир ташкил этилди.</p> <p>2021 йил 2 апрель куни Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонасида Давлат статистика қўмитаси .Дастурий махсулотлар ва ахборот</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>технологиялари технологик парки (IT Park Uzbekistan) ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан ташкил этилган “Ўзбекистонда очик маълумотлар экотизимининг амалий аҳамияти ва ривожланиш истикболлари” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Мазкур семинарда очик маълумотлардан амалий фойдаланишни илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталининг янги версиясини ишлаб чиқиш, очик маълумотлар бўйича стартап-лоийҳаларни жадаллаштириш дастурини ишга тушириш, Хақаро очик маълумотлар Хартияси тамойилларини амалда татбиқ этиш бўйича келгусидаги режалар кўриб чиқилди.</p> <p>2021 йилнинг 21 май куни Open Data Watch экспертлари томонидан Давлат статистика қўмитаси ходимлари учун “Open Data Uzbekistan workshop agenda” деб номланган тадбир ташкил этилди.</p> <p>2021 йилнинг 24–28 май кунлари Давлат статистика қўмитаси томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори кўмагида Open Data Inventory (ODIN) халқаро очик маълумотлар рейтингини олиб борувчи Open Data Watch ташкилоти вакили Жемисон Кроуэлл билан семинар-тренинглар ташкил этилди. Мазкур семинар-тренингларда Open Data Inventory (ODIN) рейтинги ҳақида умумий тушунчалар, очик маълумотлар сифатини баҳолаш бўйича, очиклик ва қамров мавзулари ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди.</p> <p>2021 йилнинг 10-25 август кунлари 127 та вазирлик ва идораларнинг 232 нафар ходимлари учун Давлат статистика</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>кўмитаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки (IT-park), шунингдек, Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази томонидан ташкил этилган “Очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш”, уларнинг аҳамияти ва зарурияти, матқриаллардан фойдаланишнинг афзалликлари, маълумотлар тўпламларини Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталининг (https://data.egov.uz/) янги талқинига жойлаштириш бўйича кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган онлайн ўқув курслари бўлиб ўтди.</p> <p>2021-йил 3–6 октябрь кунлари Швейцариянинг Берн шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментининг статистика бўлими ҳамда Швейцария Конфедерацияси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 3-Бутунжаҳон маълумотлар Форуми ташкил этилди. Мазкур форумда 150 га яқин мамлакатдан 7 мингдан ортиқ мутахассислар онлайн ва бевосита жойида иштирок этди. Ушбу тадбирда, Давлат статистика кўмитасининг Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Ақром Султанов катнашди.</p> <p>Жорий йилнинг 2 ноябрь куни Лондондаги Очиқ маълумотлар институти (ODI) томонидан ўтказилган саммитда одамларнинг маълумотларга бўлган муносабати ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди. Мазкур саммитда Давлат</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>статистика кўмитаси Очик маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Ақром Султонов ҳам иштирок этди.</p> <p>2021 йилнинг ноябрь ойида Давлат статистика кўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Халқаро очик маълумотлар Хартияси томонидан очик маълумотлар экотизимини ривожлантиришга бағишланган онлайн-семинар ташкил этилди. Мазкур семинар доирасида очик маълумотлар соҳасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, уларни Ўзбекистон Республикасига татбиқ этиш бўйича халқаро экспертларнинг (Халқаро очик маълумотлар Хартияси ижрочи директори Наталия Карфи ҳамда вакили Мерседес де лос Сантос) тавсиялари ва таклифлари муҳокама қилинди.</p> <p>https://data.egov.uz/news/korrupsiyaga-qarshi-ochiq-malumotlar-mavzusida-onl</p> <p>2021 йилнинг 26 ноябридан 3 декабрига қадар Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан “Open data Week Uzbekistan – 2021” очик маълумотлар ҳафталиги ташкил этилди. Мазкур ҳафталик доирасида турли тадбир, учрашув ва танловлар ўтказилди.</p> <p>2022 йилнинг март ойида “International Open Data Day” доирасида Давлат статистика кўмитаси, вазирлик ва идоралар ходимлари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>ходимлари ва экспертлари иштирокида аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шунингдек, мамлакатимизда очиқ маълумотларни оммалаштиришга бағишланган “Open Data Day Tashkent - 2022” мавзусида тадбир ташкил этилди.</p> <p>2022 йил 28 июль куни очиқ маълумотлар соҳасида таниқли эксперт Юрий Линков, халқаро ташкилотлар вакиллари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари учун Ўзбекистонда очиқ маълумотларни ривожлантириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича вебинар бўлиб ўтди.</p> <p>2022 йил 22 сентябрь куни Давлат статистика қўмитасида “Ўзбекистонда очиқ маълумотларни ривожлантириш, Open Data Inventory (ODIN) ва бошқа халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда очиқ маълумотлар соҳасида таниқли эксперт Open Data Watch ташкилоти вакили Жемисон Кроуелл (Jemison Crowell), ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси мутахассислари, Давлат статистика қўмитаси ва Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари иштирок этди.</p> <p>2022 йил 15 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёти университети ҳамкорликда “Статистика соҳасида компютер технологияларининг</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>ривожланиши” мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг Очик маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва Рақамли иқтисодиёт факултети талабалари учун Россия Федерациясидаги “Статпро” компанияси раҳбари иқтисодиёт фанлари доктори Полякова Татьяна Михайловна томонидан “Статистика соҳасида компьютер технологияларининг ривожланиши” мавзусида семинар ташкил этилди.</p> <p>2023 йилнинг 27–29-январь кунлари пойтахда IT Park, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Virtual Group IT компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика Агентлиги, Коррупцияга қарши кураш агентлиги ва Akfa University кўмагида ташкил этилган “Open Data Challenge 2022” кенг қўламли ҳақатони бўлиб ўтди.</p> <p>«International Open Data Day» доирасида Статистика агентлиги ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари ва экспертлар иштирокида мамлакатимизда очик маълумотларни оммалаштириш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга бағишланган «Open Data Day Tashkent - 2023» мавзусида тадбирлар ташкил этилди.</p> <p>Ўзбекистонда “Open Data Week Uzbekistan–2022” очик маълумотлар</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>ҳафталиги бўлиб ўтди.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳакатон иштирокчилари учун очик маълумотлардан фойдаланиш бўйича жалб қилинган мутахассислар иштирокида махсус 4 та йўналишлар бўйича вебинарлар ўтказилди. 2. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ходимлари учун Даниядаги Microsoft ташкилотининг Булутли маълумотлар ва сунъий интеллект эчимлари архитектураси департаменти директори (Head of Data and AI Cloud Solution Architecture, Microsoft Denmark) Умид Ахмедов иштирокида “Сунъий интеллект” технологияларидан фойдаланишга бағишланган семинар ўтказилди. 3. Очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди, семинарга “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси Лойиҳа-техник ҳужжатларини экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи Максумов Дониёр Михайминович таклиф этилди. 4. “Open Data Challenge – 2022” ҳакатони бўлиб ўтди. Ушбу ҳакатон ИТ Парк ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Virtual Group IT-компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги кўмагида ташкил этилди. <p>Ўзбекистон Open Data Inventory (ODIN) рейтингига 40-ўринга кўтарилди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) очик маълумотлар рейтингда 66 балл тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 40-ўринга кўтарилди ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни сақлаб қолди.</p> <p>«Open Data Day Tashkent - 2023» мавзусида тадбирлар ташкил этилди</p> <p>«International Open Data Day» доирасида Статистика агентлиги ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ходимлари ва экспертлар иштирокида мамлакатимизда очик маълумотларни оммалаштириш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга бағишланган «Open Data Day Tashkent - 2023» мавзусида тадбирлар ташкил этилди.</p> <p>“Очиқлик индекси”да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги энг юқори натижага эришди.</p> <p>Унда 2022-йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларида очиклик бўйича амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси асосида тўпланган барча кўрсаткичлар атрофлича муҳокама қилиниб, якуний натижалар эълон қилинди. Энг юқори самарадорлик кўрсаткичлари Статистика агентлиги (89 балл), Божхона қўмитаси (88 балл), Тошкент вилоят ҳокимли (83 балл), Хоразм вилоят ҳокимлиги (79 балл) ва “Навой кон-металлургия комбинати” аксиядорлик жамияти (79 балл) томонидан қайд этилган.</p> <p>2023-йилнинг 17-18-май кунлари илк бор Коррупцияга қарши курашиш агентлиги</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>ҳамда Конрад Аденауер жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Давлат идоралари фаолияти очиклиги бўйича Марказий Осиё давлатлари форуми” бўлиб ўтди.</p> <p>Форумда дастлаб Ўзбекистонда давлат раҳбарининг ташаббуси билан давлат идоралари фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самарасига бағишланган тақдимот халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этилди.</p> <p>Илк маротаба ўтказилаётган мазкур халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори ўринбосари Зияев Зоҳиджан Муратович ҳамда Очик маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Султанов Ақром Аманович иштирок этдилар. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатларининг масъул давлат идоралари вакиллари ҳамда халқаро ва нодавлат ташкилотларнинг етакчи экспертлари иштирок этдилар.</p> <p>2023-йилнинг 12-14-июл кунлари Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги ходимлари ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори кўмаги билан Вашингтонда (АҚШ) Open Data Watch (ODW) ташкилоти томонидан ўтказилган маълумотларнинг очиклиги ва сифати, метамаълумотлар ва маълумотларни тарқатиш бўйича ихтисослаштирилган тренингда иштирок этишди. Тренинг Ўзбекистонда очик маълумотлар тизимини янада яхшилаш, давлат секторининг</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>очиқлигини ва соғлом бизнес муҳитини такомиллаштириш мақсадларига қаратилди. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори ва ODW томонидан кўрсатилаётган техник ёрдами билан 2018-йилдан бошлаб Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингида Ўзбекистон 48 баллга ўсди ва бу ODIN тарихидаги энг юқори ўсишлардан бири ҳисобланади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory(ODIN) очиқ маълумотлар рейтингида 70 балл тўплаган ҳолда дунёда 30 ўринга кўтарилди.</p> <p>2023-йил 14–15-сентябрь кунлари Чехиянинг Прага шаҳрида Европа Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) томонидан “Барқарор ривожланиш ва инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш орқали ЕХХТ ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш” мавзусида форум ташкил этилди. Ушбу форумда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Очиқ маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Акром Султонов “Ўзбекистонда очиқ маълумотларни ривожлантириш” мавзусидаги тақдмоти билан иштирок этди.</p> <p>Open Data Watch ташкилотининг 2022/2023- йилги ҳисоботида Ўзбекистон “Очиқ Гендер маълумотлари индексида” 69,7 балл тўплаган ҳолда бу кўрсаткич бўйича жаҳондаги энг яхши 20 та мамлакат орасидан жой олди.</p> <p>Жорий йилнинг 28–29-сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
					<p>координатори ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда журналист ва блогерлар учун data-журналистика ва очик маълумотлар билан ишлаш бўйича кўникмаларни оширишга қаратилган амалий тренинг бўлиб ўтди.</p> <p>2023 йил 5-декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали data.egov.uz Очик маълумотлар институтининг (Open Data Institute) “Gold level” олтин даражадаги сертификатини олди.</p> <p>2023 йил 19-22-декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (ИТ-Парк) ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамкорлигида ўқув-тренинглар курслари ташкил этилди.</p> <p>2023 йил 20-декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар соҳасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар бўйича Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.</p> <p>2023 йил 19-26 декабрь кунлари мамлакатимизда очик маълумотлар ҳафталиги – “Open Data Week Uzbekistan – 2023” бўлиб ўтди.</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
5.	<p>Белгилансинки, 2019 йил 1 апрелдан:</p> <p>Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,3 бараварга оширган ҳолда қўлланилади;</p> <p>давлат статистика органлари ходимларига кўп йиллик хизматлари учун ойлик устамалар қуйидаги миқдорда тўланади (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошларига нисбатан коэффициентларда): 2 йилдан 5 йилгача – 0,1; 5 йилдан 10 йилгача – 0,2; 10 йилдан 15 йилгача – 0,3; 15 йилдан 20 йилгача – 0,4; 20 йилдан 25 йилгача – 0,5; 25 йилдан ортик – 0,6.</p> <p>Кўп йиллик хизматлари учун мукофот пули олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисобланади.</p> <p>Ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.</p>	<p>Давлат статистика қўмитасининг тегишли ички-меъёрий ҳужжатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2019 йил 1 апрелдан	Ж.Ширинов, З.Талипова	<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат статистика органлари ходимларига кўп йиллик хизматлари учун ойлик устамалар тўланиши муносабати билан Давлат статистика қўмитаси тизимида барча ходимларнинг меҳнат фаолиятлари изчил ўрганиб чиқилди, ходимларнинг умумий иш стажини, давлат бошқарув органларидаги иш стажини ҳамда статистика тизимидаги иш стажлари қўмита томонидан 2019 йил 15 апрелдаги 16-сон қарор билан тасдиқланган тартибга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳисоблаб чиқилди.</p>
		<p>Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартиб ишлаб чиқиш.</p>	2019 йил 1 майгача		<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат статистика органлари ходимларининг лавозим маошларига кўп йиллик хизматлари учун ҳар ойлик устама тўлаш тартибини тўғрисидаги низом қўмитанинг 2019 йил 15 апрелдаги 16-сон қарори билан тасдиқланди.</p>
		<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлашда мазкур банд инобатга олиш.</p>	Доимий		<p>Ҳар йили Давлат статистика ишлари дастури қийматини ҳисоблашда ушбу қарорда назарда тутилган тўловлар ҳисобга олинмоқда.</p>
6.	<p>Қуйидагилар:</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталини такомиллаштириш бўйича чора-</p>	<p>Раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиш.</p>	Белгиланган муддатларда	А.Султанов, Ш.Одилов, Ш.Джанадилов	<p>Бажарилган.</p> <p>2019 йил 31 май куни 60 фта давлат органлари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда</p>

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
	тадбирлар комплекси 1-иловага мувофик;				<p>Рўйхат Порталда маълумотлар жойлаштиришнинг аниқ муддатлари ва шакллари белгиланган ҳолда 3 тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Раиси томонидан тасдиқланди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сон қарорига 1-иловага мувофик Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига юборилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонига мувофик, Очик маълумотлар порталининг янги талқинини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни экспертизадан ўтказиш, Очик маълумотлар порталининг янги талқинини ишлаб чиқиш бўйича ижрочини аниқлаш, Порталнинг янги талқинини ишга тушириш, давлат органлари расмий веб-сайтини Портал билан интеграциясини амалга ошириш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига бириктирилган.</p>
	Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида жойлаштириш учун очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишда устувор халқаро маълумотлар базаларини ўрганиб чиқиш учун	Очик маълумотлар порталида жойлаштириш учун очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишда устувор халқаро маълумотлар базаларини		А.Султанов, О.Мамадалиев, Х.Жураев, Д.Закиров қўмита бошқарма бошлиқлари	Бажарилган. 2019 йил давомида Очик маълумотлар порталида жойлаштириш учун очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-

Т/р	Белгиланган тадбирлар	Ижро этиш механизми	Бажариш муддатлари	Вазирлик ва идоралар	Ижро ҳолати
